

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрь ойларида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 14 345,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 5,3 % га ўсди.

2018 йил III-чорак якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 3 937,9 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 3,7 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Фарғона вилоятининг қўшган хиссаси 5,9 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш (январь-сентябрь ҳолатига)

	Млрд.сўм		2017 й. га нисбатан % да
	2017 й.	2018 й.	
I. ЯҲМ	11 409,4	14 345,2	105,3
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	10 663,9	13 418,4	105,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	745,5	926,8	106,6
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	10 663,9	13 418,4	105,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 225,2	2 872,8	104,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3 340,9	4 508,1	106,9
саноат	2 673,5	3 607,1	106,6
қурилиш	667,4	901,0	108,3
Хизматлар	5 097,8	6 037,5	104,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 187,4	1 461,5	104,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	1 090,2	1 185,4	106,0
бошқа хизмат тармоқлари	2 820,2	3 390,6	103,7

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 104,5 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 21,4 %), саноат – 106,6 % (26,9 %), қурилиш – 108,3 % (6,7 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,7 % (10,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 106,0 % (8,8 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,7 % (25,3 %) ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-сентябрида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 93,5 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 6,5 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,5 % пунктга кўпайди ва ҳисобот йилида 21,4 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 2,2 % пунктга ўсди ва 33,6 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг III-чорагида 45,0 % ни ташкил этди ва 2017 йил (47,7 %) билан таққосланганда 2,7 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда):

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 10,9 % ни (2017 й. – 11,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,8 % ни (10,2 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 25,3 % ни (26,4 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(2018 йил январь-сентябрь, жамига нисбатан фоизда):**



**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва
йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Нашр учун масъул: Ф.Дадабоев.
Тел: 73 241-72-52**